

Солиқ тушумлари ва ижтимоий соҳа ривожига бағишланган йиғилиш ўтказилди



Қумқўрғон тумани ҳокими Анвар Нормаматов, туман давлат солиқ инспексияси бошлиғи Бахтиёр Турдиев ҳамда мактаб директорлари ва ташкилотлар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Мазкур йиғилишда маҳаллий солиқ тушумларини ундириш, аҳолига солиқларни ўз вақтида тўлаш зарурлиги ҳақида тушунча бериш бўйича тегишли масъулларга топшириқ берилди.

Шунингдек, мактаб директорларига ўқувчиларнинг таълим ва тарбиясига жиддий ёндашиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва мактабларда таълим сифатини ошириш бўйича топшириқ ва кўрсатмалар берилди.